

ЧОРВА МОЛЛАР ЎҒИРЛИГИНИ ОЧИШНИНГ ЯНГИЧА УСУЛЛАРИ ВА ХОЗИРГИ ПАЙТДА СОДИР ЕТИЛАЁТГАН УШБУ ТУРДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЕТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ КУРСАНТИ
КАРИМБОЕВ МАҚСАД МУХАММАДСОЛИЙ ЎҒЛИ

Annotatsiya

Ушбу мақолада бугунги кундаги чорва моллар ўғирлиги жиноятларини янгича очилиш усуллари ва ушбу турдаги жиноятларнинг бартараф этишининг самарали чоралари кенг ёритилган.

Аннотация

В данной статье широко освещены современные методы раскрытия преступлений, связанных с кражами скота, и эффективные меры по пресечению этого вида преступлений.

Abstract

In this article, today's livestock theft crime detection methods and effective measures to eliminate this type of crime are widely covered.

Kalit so'z: Чорвачилик, чорва моллар ўғирлиги, конун, қарор, геном, олимлар, хориж тажрибалари

Ключевые слова: Скотоводство, скотокрадство, закон, решение, геном, ученые, зарубежный опыт.

Key words: Cattle breeding, livestock theft, law, decision, genome, scientists, foreign experiences

Кириш:

Чорва моллар ўғирлиги ва шу каби бошқа жиноятларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017-йил 10-апрелдаги ПФ-5005-сон Фармониға мувофиқ, шунингдек қонунийликни таъминлаш, жиноятларни ўз вақтида қош этиш, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона тергов қилиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини сўзсиз амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида 2017-йил 18-апрелда ПК-2898-сон Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорға биноан Республикамизда содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш ва қош этиш йўналиши бўйича бир қанча ишлар ва дастурлар қабул

килинди. Хусусан, Республикамизда содир этилаётган чорва моллар ўғирлиги билан боғлиқ жиноятларининг кўлами ошаётганлиги ва ушбу турдаги жиноятларнинг латентлик даражаси ҳам кўтарилаётганлиги такидланди. Чорва моллар ўғирлиги жиноятларининг олдини олиш ва фош этишда бошқа соҳа вакиллари билан ҳамкорлик ишлари ва хориж тажрибасини ўрганган холда, амалий билим ва кўникмаларни амалиётда жорий этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2012-йил 25-декабрьда қабул қилинган “Тезкор – кидирув фаолияти тўғрисида”¹ ги ЎРК-344-сонли қонунининг 14-моддасида белгиланган Тезкор – кидирув тадбирларини амалга оширган холда ушбу турдаги жиноятларни бартараф этиш чоралари такидланди.

Чорва моллар ўғирлиги билан боғлиқ жиноятларга юзланишдан олдин чорвачилик сўзига алоҳида этибор бериш даркор ҳисобланади, Чорвачилик — қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Бунда юридик ва жисмоний шахсларнинг чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун чорва молларини боқиш ва урчитиш билан шуғулланади; аҳолини иш ҳайвонлари (от, хўкиз, туя, буғу), озиқовқат маҳсулотлари (сут, қатик, гўшт, ёғ, тухум ва бошқалар), енгил саноатни хом ашё (жун, тери, мўйна ва ҳ.к.), деҳқончилик органик ўғит билан таъминлайди. Чорвачиликнинг тараққий етиши ва маҳсулдорлиги деҳқончиликнинг ривожланиши, ердан интенсив фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ. Чорвачиликнинг асосий тармоқлари: қорамолчилик, қўйчилик, ечкичилик, йилкичилик, туячилик, паррандачилик, асаларичилик, чўчкачилик, куёнчилик, даррандачилик, буғучилик, итчиликдан иборат.² Ўзбекистон Республикаси мустақилликка еришгач, қишлоқ хўжалигида туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида давлат хўжаликлари жамоа, ширкат хўжалиқларига айлантирилди, чорвачилик, аксарият хўжалиқларнинг қорамолчилик фермалари хусусийлаштирилди, деҳқон ва чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиқлари ташкил этила бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993-йил 15-мартда "Республика чорвачилигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги, 1994-йил 23-февралда "Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжалиқлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида", 1995-йил 24-мартдаги "Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом еттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллабқувватлаш чоратадбирлари тўғрисида" қарорларига кўра, жамоа хўжалиқларининг зарар билан ишлаётган 1499 қорамолчилик фермалари хусусийлаштирилди (1995). Натижада

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2012-йил 25-декабрьдаги “Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРК-344-сон қонуни.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати, “80 000 - сўз” мурожат вақти: 23.12.2023.

республикада ишлаб чиқарилаётган гўшт ва сутнинг 75% ни хусусий сектор бера бошлади. Ўзбекистон Республикасининг 1995-йил 25 декабрда қабул қилинган "Наслчилик тўғрисида" қонуни Чорвачиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Суд-тергов амалиёти материалларининг далолат беришича, чорва моллари ўғирликларининг аксарияти куз-қиш фаслларида содир этилади ва бу бир қатор сабаблар билан боғлиқ. Айнан шу даврда чорва моллари энг семирган пайт бўлади ва энг яхши товар хусусиятига эга бўлади, бунинг устига совуқ вақтда сўйилган чорва гўштини сақлаш ҳам осон. Куз охири – қиш бошида гўштга бўлган талаб ва унинг нархи кескин ошади, бинобарин, ўғирланган чорва молини ўтказиш ҳам осонлашади. Бу даврда йўлларда транспорт қатнови анча камаяди, шунингдек чорва моллари боқиладиган жойларда (яйловларда) дам олувчилар ва бошқа гувоҳлар пайдо бўлиш эҳтимоллиги ҳам кам бўлади.

Чорва моллари ўғирлиги, асосан, кечқурун ёки тунда, қишлоқ жойлардан узоқда ёки ёпиқ жойларда бўлганида эса кундузи ҳам содир этилиши мумкин. Амалиётни таҳлил қилиш мазкур жиноятларнинг аксарияти дам олиш кунларидан аввал содир этилиши ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради, чунки дам олиш кунлари одатда бозорларда одамлар харид қилиш билан банд бўладилар, шу боис ўғирлаб сўйилган чорва моллари гўшти ана шу бозорларда сотилади.

Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, ўғирланган чорва молларини сотиш шарт-шароитлари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш зарур, чунки бу чорва моллари ўғирликларини фош этиш ва тергов қилишда алоҳида аҳамиятга эга. Бу шу билан боғлиқки, жиноятчилар ушбу масалани ҳал қилиш вариантларини аввалдан келишиб оладилар. Деярли ҳар тўртинчи ҳолатда (26,7 %) чорва моллари (ёки унинг гўшти) ўғирлик содир этилганидан кейинги дастлабки 3 соат ичида сотиб юборилганлиги ана шундан далолат беради. Бунда ўғирланган чорва моллари овқатланиш объектлари (кафе, ресторан, ошхоналарда) ёки гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқиладиган корхоналарга ўтказилганида энг мураккаб вазиятлар юзага келади, чунки бу ерларда ўғирланган чорва моллари гўшти одатда бир сутка ичида қайта ишлаб бўлинади. Учта ҳолатдан бирида (жиноят ишларининг 36 %да) жиноятчилар ўғирланган чорва молларини сотмасдан, ўзларида олиб қолганлар, бу билан жиноятни гўшт сотиш вақтида аниқлаш имкониятини йўқ қилганлар.

Яна бир муҳим вазият шундан иборатки, одатда, жиноят содир этилишидан аввал жиноятчилар пухта тайёргарлик кўрадилар ёки, энг камида, маҳаллий шароитларни яхши билиб оладилар.

Аксарият чорва моллари ўғирликлари аҳоли пунктлари ва йўллардан анча узоқдаги яйлов ва отхоналарда содир этилади. Шу боис бундан аввал вазият

пухта ўрганилади, у ерларда чўпон ёки қоровулларнинг бор-йўқлиги, уларнинг сони, иш ва дам олиш тартиби, уларда алоқа ва хабар бериш воситаларининг бор-йўқлиги аниқланади.

Шунингдек, адирлар, дала оғилхона ҳамда ҳайвонлар сақланадиган бошқа жойлардан чорва молларини ўғирлаш кенг тарқалган. Бундай ўғирликлар одатда фақат тунда содир этилади, шунингдек бунда уйда катта ёшдагиларнинг бор-йўқлиги аниқланади. Одатда уй яқинидаги жойлардан чорва молларини ўғирлаш байрам кунлари ёки байрам арафасида содир этилади.

Кўп ҳолларда жинойтчилар жинойт изларини яшириш ва чалғитиш чораларини қўллайдилар, бунинг учун ўғирланадиган чорва молларини тошли ерга ҳайдаб борилади, айлангириб ҳайдалади, орқага ҳайдаб келинади, изларни қолдирмасликка ҳаракат қилинади. Кўпинча бундай найранглар жинойтчиларнинг маҳаллий аҳоли ёхуд бошқа жойдан келган шахслар эканлигидан, аммо чорва молини узоқ масофага ҳайдаб кетишни режалаштирганидан далолат беради, шу боис изларни ниқоблаш ҳаракат йўналишини яшириш учун қўлланилади.

Ўғирланган чорва молларини узоқ масофага ҳайдаб кетишда жинойтчилар ўз хавфсизликларини таъминлаш учун қўшимча чораларни қўллайдилар. Шунингдек, ушбу чорва молларининг тамғаларини йўқ қилиш ёки ўзгартириш, ўғирланган чорва молга ўз тамғаларини қўйиш чоралари кўрилади. Баъзан ўғирланган чорва молни эгаси таниб олишини қийинлаштириш мақсадида, уларнинг белгиларини ўзгартиришнинг ўзига хос усуллари қўллангани ҳоллари ҳам учраб туради.

Агар чорва молларини ўғирлаш чоғида автотранспортдан фойдаланиладиган бўлса, жинойтчилар одатда чорва молларнинг эмас, балки жинойт содир этиладиган жой яқинида қолдирилган ва ниқобланадиган автомашинанинг белги ва изларини яширишга ҳаракат қиладилар.

Чорва молларини ўғирлаш содир этиладиган вазиятлар ҳар хил бўлиши мумкин. Кўпинча, тергов амалиётини ўрганишдан маълум бўлишича, бундай жинойтлар қўққисдан юзага келган қасд натижаси бўлмайди, балки аввалдан тайёргарлик кўрилади. Жинойтчининг шахсига ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар хос бўлиб, улар жинойт содир этилишидан анча аввал намоён бўлади.

Одатда, жинойтга тайёргарлик кўриш жараёнида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади: 1) ўғирлаш мўлжалланаётган муайян чорва моллари танланади; 2) ҳайвонлар жойлашган ер аввалдан ўрганилади; 3) ўғирланган чорва молларини ўтказиш (сотиш) йўллари қидирилади; 4) жинойт содир этиш вақти ва усули белгиланади, жинойтни амалга ошириш қуроллари ва транспорт воситалари тайёрланади; 5) жинойт иштирокчилари ўртасида вазифалар

таксимланади; б) жинойй режани амалга ошириш механизми хаёлан ишлаб чиқилади.

Оғилхоналар ва бошқа ёпиқ бинолардан чорва моллари ўғирликларини амалга оширишда жинойтчилар турли усуллардан фойдаланади жумладан, танланган объектга киришда қулфларни, тамбалаш мосламалари ва тўсиқларини бузиш орқали; ҳеч бир тўсиқни бузмасдан эркин кириш орқали; бинога кириш билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатлар ёрдамида (масалан, ҳайвонга муайян озуқа бўлагини кўрсатиб чақириб олиш орқали) амалга оширилади.

Чорва моллари ўғирликларини содир этишга хос хусусият жинойтчи шахслар томонидан махсус воситалардан фойдаланишидир. Турли тўсиқларни бузиш учун мослаштирилган қурол ва воситалар сифатида махсус тайёрланган нарса ва қуроллар ҳам, хўжалик-маиший эҳтиёжларда қўллаш учун мўлжалланган нарсалар ҳам ишлатилади. Камдан-кам ҳолларда бузиш қуроли жинойт содир этиш жойининг ўзида бўлади.

Чорва моллари ўғирликларини содир этиш жойини яшириш усуллари орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) ўғирлик содир этилган жойни ниқоблаш (жинойтчилар ўз ҳаракатларининг аниқланмаслигига ҳаракат қиладилар, бунинг учун тўсиқлардаги бузилишларни бартараф этадилар, ошиқ-мошиғидан чиқарилган эшик ва деразаларни яна жойига илиб кўядилар); 2) ўғирланган чорва молларини жинойт содир этилган ҳудуддан анча узоклаштириб (жинойтчилар, уларнинг қариндошлари ва танишлари яшайдиган жойда) яшириш, ҳайвонларни бошқа вилоятга ҳайдаб бориш. Ўғирланган чорва молларини яширишнинг бу усулини сайёҳ жинойтчилар ҳам, маҳаллий аҳоли ҳам қўллайди; 3) чорва молларини бошқа жойга ҳайдаб бориш қийин бўлган вазиятда, шу яқин атрофда сўйиш ва гўштини бурдалаш; 4) ўғирланган чорва молларини тезда ўтказиб (сотиб)юбориш.

Ҳуқуқшунос олим Р.А.Журавлевнинг фикрича, чорва моллари ўғирликларини фош этиш ҳамда тергов қилишда, у ёки бу тергов ҳаракатларини ва уларни амалга ошириш тактикасини танлашда биринчи даражали вазифа чорва моллари ўғирлиги, ушбу жинойтнинг содир этиш мотиви ва шарт-шароитлари ҳақидаги дастлабки маълумотларнинг ҳажми, хусусияти ва мазмунини аниқлаб олишдир деб таъкидлаган³.

Чорва моллари ўғирликларини содир этилишига бир қатор шарт-шароитлар имкон яратади:

1. Жинойй тажовуз предметининг кўп вақт мобайнида назоратсиз қолдирилиши. Республикамизда энг кўп тарқалган чорва молларини сақлаш тизими – яйлов чорвачилиги – чорва молларини жуда катта ҳудудларда, баъзан

³ Журавлев Р.А. Проблемы организации и тактики расследования преступлений в сельской местности // Проблемы предварительного следствия и дознания. - М.: ВНИИ МВД РФ, 1992. - С.83.

назоратсиз боқишни тақозо этади. Бу ҳолат ўғирлик жиноятини содир этилиши учун энг қулай шароит яратади. Бунинг устига, жиноятчиларни кўпроқ қизиқтирадиган йилқи, туя ва қорамоллар тунда, одатда, умуман ўз холига қўйиб юборилади.

Йилнинг ёз, куз фаслларида, республикамизнинг жанубий ҳудудларда эса деярли йил давомида чорва моллари (айниқса фуқароларга тегишли чорва моллари) ҳовлида ва молхоналарда сақланади, бу эса уларга киришни осонлаштиради. Наридан борса, чорва моллари мустаҳкам бўлмаган материаллар (тахта, тўқилган навдалар ва ш.к.)дан ясалган қўтонларда сақланади. Булар эса ўғрилар учун қийинчилик туғдирмайдиган тўсиқлар бўлиб, мустаҳкам ҳимоя воситаларига эга бўлмайди.

2. Исботлаш жараёнидаги муаммолар, далилий ашёларнинг тезда йўқотилиши. Барча саъй-ҳаракатлар асосан содир этилган чорва моллари ўғирлик ҳолатлари ҳамда ўғирланган чорва моллари ўтказиладиган ёки сақланадиган жойларни аниқлашга қаратилади. Аксарият ҳолларда чорва моллари ўғирлиги ноаниқ шароитларда содир этилиши ва бунда деярли из қолдирилмаслиги сабабли, қийинчилик айнан жиноят изларини топиш ва ушбу жинойат қилмиш содир этилишининг гувоҳлари бўлиши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш билан боғлиқ.

3. Ўғирланган чорва молларини аниқлаш яъни, идентификациялашнинг қийинчилик туғдириши. Ҳатто юқори малакали мутахассислар, шунингдек ўз ҳайвонларини жуда яхши биладиган фуқаролар ҳам, аниқса кўп сонли чорва моллари (масалан, бир нечта қўй ёки эчки) ўғирланганида, ёхуд ўғрилар ўғирланган чорва молларининг фарқловчи белгиларини йўқ қилиш чораларини кўрганларида ўз чорва молларини таниб олишда қийналадилар.

Шу сабабли, муайян чорва молларининг кимга тегишли эканлигини аниқлаш учун идентификациялашнинг электрон усули (радиочастотали белгиси бўлган ёрликлар, боллослар, чиплар ва бошқа буюм)дан фойдаланиш талаб этилади.

Шуни ҳам инобатга олиш лозимки, белгилашда тамғалар ҳайвонларнинг қулоқ супраларига ўрнатилади, бу жиноятчиларга уларни алмаштириш имконини беради. Ўчирилмас белгилар қўйилганида жиноятчилар кўпинча ўғирланган чорва молларининг қулоғини кесиб ташлайдилар. Жиноятчилар йилқи ва қорамол белига қўйиладиган тамғалар устидан янгиларини туширадилар. Агар ўғрилар ҳайвонларни таниб олишга имкон берувчи белгиларни йўқ қилишга улгурган бўлсалар, у ҳолда сўйилиб, териси шилинган молни аниқлашнинг деярли имкони бўлмайди. Ушбу ҳолда ҳайвоннинг териси ёки калласини топиш зарур бўлади (агар уларда чорва молнинг фарқловчи белгилари бўлса, ёхуд қўйилган бўлса).

4. Ўғирланган чорва молларини сотишнинг нисбатан қийинлиги ва унинг сўйилган гўштини сотиш осонлиги. Тирик чорва молларни сотиш (ўтказиш) муайян қийинчиликлар билан боғлиқ, аммо жиноятчилар қуйидаги ҳолларда бунга қўл урадилар: ўғирланган чорва молларини тезда сотиш зарур бўлса; чорва молининг ўзи қимматбаҳо эканлиги (наследор тойлар, туялар ва бошқалар бўлгани) сабабли уни гўшти учун сўйиш фойда бермаслиги; хайвонни сўйиш фойда келтирмаганида (у ҳали ёш ёки ориқ бўлганида).

Айни вақтда шуни ҳам инобатга олиш лозимки, кўпинча харидор жиноят содир этилган жойдан узоқда бўлиб, чорва молларни сотиб олиш учун у билан аввалдан келишилган бўлади. Шунингдек, ўғирланган чорва молларни қўшни туман ва вилоятларнинг чорва моллари сотиладиган бозорларида сотиш ҳолатлари ҳам кўп учрайди. Ўғирланган чорва молини сўйиш ва гўштини сотиш орқали ўтказиш жиноятчилар учун қуйидаги бир қатор сабабларга кўра жозибалидир: гўшт маҳсулотларига барқарор талаб бўлиши; нархи (айниқса шаҳар аҳолиси учун) барқарор ва юқори бўлиши; сотиш учун жой кўплиги (бозорлар ва гўшт расталаридан ташқари, аксарият гўшт маҳсулотлари дўконлар орқали, шунингдек автомобиль йўллари бўйлаб, ёки шаҳардаги турар жой ҳовлиларининг ўзидан сотилади); ўғирланган чорва молини таниб олиш (идентификациялаш)нинг қийинлиги; кўпчилик қишлоқ аҳолиси чорва мол гўштини сотиш билан шуғулланганликлари сабабли шубҳа бўлмаслиги.

Шундай қилиб, мазкур хусусият ва шарт-шароитлар чорва моллари ўғирликларини фош этиш ва тергов қилиш тактикаси ва методикасини белгилаб беради. Мазкур ҳолатларни тўғри ҳисобга олиш чорва моллари ўғирликларини фош этишга ҳамда уларни содир этган шахсларга нисбатан тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини самарали тарзда амалга ошириш имконини беради.

Бундан ташқари мамлакатимизда, 2023– йининг 1– июл ҳолатига кўра, йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамолларнинг 4,3% фермер хўжаликлари ҳиссасига, 95,2 % деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarига, 0,5 % қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда қўй ва ечкиларнинг умумий сонидан 6,6 % фермер хўжалиklarига, 89,3 % деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarига, 4,1 % қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, отлар умумий сонидан 13,5 % фермер хўжалиklarига, 85,3 % деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarига, 1,2 % қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади шунингдек, паррандалар умумий сонидан 20,7 % фермер хўжалиklarига, 53,4 % деҳқон (шахсий ёрдамчи)

хўжаликларига, 25,8 % қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

Мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш, чорва молларини касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларни даволаш, шахсий, деҳқон ва фермер хўжаликларида ветеринария-санитария ҳолати барқарорлигини таъминлаш орқали аҳолининг сифатли чорвачилик маҳсулотларига бўлган еҳтиёжини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2017-йил 1-июндаги “Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Бундан ташқари содир этилётган чорва моллари ўғирликларини фош этишда “ГЕНОМ” ахборат маълумотлар базасининг ўрни каттадир. Ушбу “ГЕНОМ” ахборат маълумотлар базаси жиноятларни иссиқ “изи совимасдан” фош этишда фойдаланиладиган илмий-техник, усул ва воситаларни модернизатсия қилиш учун хизмат килади. Хорижий тажриба ушбу турдаги жиноятчилик билан курашишда геном ахбороти маълумотлар базаси ёрдамида жиноятларни фош этиш юқори самара бераётганини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда геном ахборотини олиш, тўплаш, ундан фойдаланиш учун қонунчилик базаси ва механизми мавжуд эмас эди. Янги қонун эса бунга имкон беради.[8] Ушбу қонуннинг 31-моддасида “КОНУН” 2023-йил 1-январдан кучга кириши белгиланган. Геном ахборот маълумотлар базаси ёрдамида чорва моллар ўғирлиги билан боғлиқ жиноятларни очиш механизмлари жорий этилиши билан бирга мураккаб, ўта оғир ва очилмаган жиноятларни очишга имкон яратишнинг ўзига хос хусусиятлари ва қилмиш учун жазо муқаррарлиги таъминланмоқда. Оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, бирон-бир шахс чорва моллари билан боғлиқ жиноятларни амалга ошириш учун қанчалик пухта режа қилмасин, содир бўлган воқеа жойида ўзи ҳоҳламаган ёки билмаган ҳолда биологик материалларини қолдиради. Яъни воқеа жойида қон доғи, соч толаси, сўлаги, тер доғи ва ҳоказолар қолади. Шунингдек, ушбу қонун билан бир қатор янгиликлар ҳам киритилмоқда. Хусусан, қонунда биологик материал, геном бўйича давлат рўйхатига олиш, геномга оид ахборот ва унга ишлов бериш, геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базаси, одам ДНКсининг суд-биологик экспертизаси шахснинг биологик қариндошлари каби тушунчаларига аниқлик киритилди. Бу эса эндиликда чорва моллар ўғирлиги ва бошқа турдаги жиноятларни тез ва самарали очиш имконини яратиб беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, чорва моллар ўғирликлари билан боғлиқ жиноятлар ҳозирги кунга қадар латент турдаги жиноятлар сирасига кириб келаётганлигини кўришимиз мумкин эди, эндиликда чорва моллари ўғирлиги

билан боғлик жиноятлани “иссик изи”дан тезкорликда очиш йўллари ишлаб чикилиб амалиётга татбиқ этилмоқда.

Фойдаланилган Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2012-йил 25-декабрдаги “Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРК-344-сон қонуни.
2. Ўзбек тилининг изохли луғати, “80 000 - сўз” мурожат вақти: 23.12.2023.
3. Алгазин И.И., Бражников Д.А., Сыпачев А.Ю. Особенности расследования краж сельскохозяйственных животных: Учебное пособие. - Тюмень: Тюменский юридический ин-т, 2010.- 108 с.; Бабурин В.В., Шаменов М.Д. Предупреждение скотокрадства в Кыргызской Республике // Научный вестник Омской академии МВД России. - 2013. - № 2 (49). С. 20-24.; Жусупов Б.А., Сулайманова Б.К., Калилова Г.А. Тактика первоначальных следственных действий по делам о краже скота // Наука, новые технологии и инновации. - 2015. - № 12. - С. 65- 67.; Филин Д.М. Особенности расследования краж скота: Учебное пособие. - Волгоград: Волгоградская Академия МВД РФ, 2006. - 88 с.
4. Нургалиев Б. М., Кондратьев И. В., Ташибаева А. К. Неотложные следственные действия при расследовании краж скота: уголовно-процессуально и криминалистические аспекты (памятка). — Караганда: КВШ МВД РК им. Б. Бейсенова, 2005. — 27 с.; Биржанов К.К., Ханов Т.А. Организация и особенности раскрытия и расследования краж скота: Учебное пособие Караганда: КЮИ МВД РК имени Б. Бейсенова, 2010. - 75 с.
5. Танасевич В.Г. Проблемы методики раскрытия и расследования преступлений // Советская криминалистика. Теоретические проблемы - М., 1978. - С.171.; Возгрин И.А. Научные основы криминалистической методики расследования преступлений. Курс лекций. - Сиб., 1992. С.61.
6. Пантелеев И.Ф. Методика расследования преступлений. - М., 1975. С. 9-10; Ледашев В.А. О совершенствовании структуры методики расследования отдельных видов преступлений // Методика расследования преступлений. Общие положения: Материалы научно-практической конференции (г. Одесса, ноябрь 1976 г.). - М., 1976. - С. 172.
7. Журавлев Р.А. Проблемы организации и тактики расследования преступлений в сельской местности // Проблемы предварительного следствия и дознания. - М.: ВНИИ МВД РФ, 1992. - С.83.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 24-ноябрдаги “Геном бўйича давлат рўйхатида олиш тўғрисида”ги ЎРК-649-сон қонуни.